O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY K... ATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2006 йил 16 май, № 92 (3891) Сешанба



*Бугун Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган азамат йигитларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Сизу бизнинг тинч, осуда ҳаёт кечиришимиз, сарҳадларимиз дахлсизлиги учун улар тунларни бедор ўтказишади. Биз уларга доимо ишонамиз.*



## Йигит омон бўлса, қўрғон саломат

Ватанимиз посбонлари бўлмиш ҳарбий хизматчиларнинг малакасини ошириб бориш давр талаби. Ана шу мақсадда Мудофаа вазирлиги томонидан офицерлар малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда.

Самарқанддаги Олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қошидаги кадрлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида яқинда учинчи бор битирув кечаси ўтказилди. Бу ерда республикамизнинг Қуролли Кучлари тизимидаги барча қўшинлардан келган озиқ-овқат таъминоти ва артиллерия соҳасидаги ўттиз нафар тингловчига сертификатлар топширилди.

Амалий ва назарий билимларини яққол намоён қилган кўплаб ҳарбий хизматчилар тест синовларини муваффақиятли топшириб, ўз ҳарбий қисмларига қайтдилар.

*СУРАТЛАРДА: Самарқанддаги Олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юрти қошидаги кадрлар қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети фаолиятидан лавҳа; қўл жанги бўйича Ўзбекистон чемпиони, катта лейтенант Мансуржон Эминов.*

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



*Ўтган шанба куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасида ипотека ҳақидаги қонунчиликни шакллантириш ва ривожлантириш мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.*

Мазкур соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш йўлида миллий ва халқаро экспертларнинг ҳаракатларини бирлаштиришга ва унинг ривожидаги муҳим босқичларни белгилашга бағишланган семинар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг **Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси** ва БМТ Ривожланиш Дастурининг «Парламентнинг қонун ижодкорлиги ва институционал салоҳиятини такомиллаштириш» лойиҳаси билан биргаликда ташкил этилди.

Унда қуйи палата депутатлари, бир қатор вазирликлар ва идораларнинг Халқаро Молия корпорацияси, илмий-тадқиқот институтларининг вакиллари, олий ўқув юртлари профессор ва ўқитувчилари, ипотека кредитини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича мутахассислар иштирок этдилар.

Мазкур семинар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларига «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлашда назарий ва амалий кўмак беришга ҳам йўналтирилган. Зеро, ипотека кредитини ривожлантириш ва бу жараённи янада чуқурлаштириш нафақат мамлакатимиздаги иқтисодий ва демократик ислоҳотлар йўналишларидан бири, балки Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ижтимоий фаровонлигини ошириш ва кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириш учун зарурий талаб ҳамдир.

Шунингдек, семинарда Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг ўзига хос жиҳатлари, унга киритилган янги нормаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ва бу соҳада тўпланган тажрибалар ҳақида сўз борди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси** мажлисида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ахбороти кўриб чиқилди.

Йиғилишда Ҳисоб палатасининг 2005 йилдаги таҳлилий-экспертлик ва назорат тадбирларида давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида белгиланган бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, фермерликдаги ишлар кўламини кенгайтириш бўйича устувор йўналишлар талаблари ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, 2005 йил давомида Ҳисоб палатаси томонидан Давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармаларнинг даромадлари ва харажатлари қисмининг ижроси юзасидан чораклик мониторинг ва таҳлил ишлари амалга оширилиб борилган. Натажага кўра, 2006 йилги бюджет ва солиқ сиёсати концепциясига таклифлар ишлаб чиқилиб, Давлат бюджети лойиҳаси экспертизадан ўтказилган. Фермерлик фаолиятини ривожлантириш бўйича тадбирлар доирасида эса Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб ҳамда қишлоқ хўжалигини техника билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармалари маблағлари ҳисобига аграр соҳанинг молиявий ресурслари ва техникаси ўз вақтида тўлиқ таъминланганлиги ўрганилган.

Шунингдек, тадбирда мазкур палата томонидан 6 та йўналиш бўйича 27 та хўжалик субъектида назорат тадбирлари амалга оширилганлиги қайд этилди. Ушбу назорат тадбирларини ўтказиш нафақат камчиликларни аниқлашга, балки мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш орқали келгусида уларнинг олдини олиш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

## Фракция йиғилишлари

Кеча Фидокорлар миллий демократик партиясининг Қонунчилик палатасидаги фракцияси йиғилиши бўлди. Уни фракция раиси Аҳтам Турсунов олиб борди.

Йиғилишда «Ипотека тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди. Фракция аъзолари иккинчи ўқишда киритилаётган ушбу қонун лойиҳаси бўйича таклифлар билдиришди. Шундан сўнг, депутатлар ҳавола этилган фикр-мулоҳазалар ва таклифларни умумлаштириб, фракциянинг нуқтаи назарини белгиладилар.

Халқ демократик партиясининг парламентдаги фракциясининг кеча бўлиб ўтган йиғилишини фракция раиси Аслиддин Рустамов бошқарди.

Кун тартибидан жой олган масала — «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси (биринчи ўқишда) бўйича қуйи палатанинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ф.Ражабов тушунтириш берди. Мазкур қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг жорий йил 28 февралдаги «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Шу билан бирга, депутатлар Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг устувор йўналишлари, мақсадли вазифаларини ҳисобга олиб, 2005 йил ва келгуси йилларга мўлжалланган қонунчилик фаолияти дастури тўғрисидаги масалани ҳам муҳокама қилишди.

Кун тартибидаги яна бир масала — «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фракция ва ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан таклифлар ишлаб чиқилди.

«Адолат» социал-демократик партиясининг кеча бўлиб ўтган йиғилишида депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ўтган йилги ижроси ва жорий йил биринчи чораги якунига доир материаллар тўғрисидаги масалани кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан қуйи палатанинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси, фракция аъзоси А.Аҳадов маълумот берди.

Йиғилишда Давлат бюджетини ижро этиш жараёнида асосий эътибор Юртбошимизнинг 2005 йилнинг 28 январида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда ўтган йилнинг 7 февралида Ҳукуматнинг янги таркиби иштирокида ўтказилган йиғилишида сўзлаган нутқида белгиланган вазифаларга мувофиқ бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштиришнинг муҳим устувор вазифаларини амалга оширишга қаратилганлиги таъкидланди.

Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2005 йилги ҳисоботи тингланди. Ҳисоб палатасининг ташкилий-ҳуқуқий, услубий ва назорат фаолияти таҳлил қилинди.

Фракция аъзолари кўрилган масалалар бўйича ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

**Салим ДОНИЁРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## МАЛАЙЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ – ТОШКЕНТДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Малайзия Парламентининг Вакиллар палатаси Спикери Тан Сри Дато Рамли бин Нгах Талиб раҳбарлигидаги делегация 15 май куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Эркин Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Малайзиянинг ҳамкорлиги изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Президент Ислом Каримовнинг 2005 октябрь ойидаги Малайзияга давлат ташрифи ўзаро муносабатларни ҳар томонлама кенгайтириш учун янги имкониятлар очгани алоҳида қайд этилди.

Музокарада икки мамлакат парламентларининг қуйи палаталари ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, Ўзбекистон — Малайзия алоқаларининг ҳуқуқий пойдеворини янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Олий Мажлис Сенати раиси Илгизар Собиров билан учрашувда мамлакатларимиз ўртасида қонун ижодкорлиги соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама этилди. Бу борадаги алоқалар ривожини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришда Малайзия парламент делегациясининг мазкур ташрифи муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси муфтий Абдурашид қори Баҳромов билан ҳам учрашди. Пойтахтимиздаги Темурийлар тарихи давлат музейини бориб кўрди.

**(ЎзА).**



***"В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти Россиянинг "Техноспецсталь- инжиниринг" компаниясига (Санкт-Петербург) 2008 йилгача 30 та Ил-114 самолётини етказиб бериш бўйича ўзининг сўнгги йиллардаги энг йирик шартномасини имзолади.***

## ЎЗБЕК САМОЛЁТСОЗЛАРИ ЮҚОРИ ДАРАЖАНИ КЎРСАТМОҚДА

Мазкур авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси матбуот хизматининг ЎзА мухбирига маълум қилишича, ушбу шартнома бўйича етказиб бериладиган Ил-114 самолётлари аввалгиларидан қатор жиддий афзалликлари билан ажралиб туради. Бу ҳаво кемаларига янги электрон бошқарув жиҳозларига эга бўлган ТВ7-117СМ модернизация қилинган двигатель ўрнатилган. Улар парвозларнинг юқори даражадаги хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш имконини беради.

Икки учувчидан иборат экипаж модернизация қилинган рақамли учувчилик- навигация комплекси ёрдамида самолётни ҳар қандай вақтда ва, ҳаттоки, мураккаб об-ҳаво шароитида ҳам бемалол бошқариши мумкин. Замонавий навигация тизими ички ва халқаро ҳаво йўналишлари бўйича парвозларни амалга оширишни автоматик тарзда таъминлайди. Янги комплекс юқори техник ва фойдаланиш имкониятларига эга, унинг оғирлиги ва энергия сарфи бирмунча камайтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин томонидан ўтган йилнинг ноябрида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги битимда икки давлатнинг турли жабҳалар, жумладан, иқтисодиёт соҳасидаги ҳамкорлигини кенгайтириш кўзда тутилган.

«В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акционерлик жамияти бош директори Вадим Кучеровнинг айтишича, тузилган шартнома Ўзбекистон ва Россия ўртасида идораларaро ўзаро фойдали алоқалар тобора мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин исботидир. Янги лайнер Россия бозорида катта истиқболга эга бўлиб, унинг йўловчи ва юк ташиш учун мўлжалланган моделлари ишлаб чиқарилмоқда. Янги самолёт ва унинг такомиллаштирилган двигатели бўлажак буюртмачилар эътиборини жалб қилмоқда. Ҳозир Россиянинг «Виборг» авиакомпанияси иккита ана шундай ҳаво кемасидан фойдаланмоқда. Россиянинг ҳарбий-денгиз кучлари эса бу самолётни қидирув-қутқарув операциялари, илмий ва бошқа тадқиқотларни ўтказиш учун харид қилди. Чунки Ил-114 бир тонна юк билан ҳавода 12 соат узлуксиз парвоз қилиши мумкин.

Яқинда бирлашма жамоаси ҳаётида яна бир муҳим воқеа рўй берди. Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Д.Медведевнинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида корхонанинг учиш-синов мажмуида ушбу мамлакатнинг «Волга-Днепр» авиакомпаниясига Ил-76ТД-90ВД юк самолётини топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу ҳаво лайнерига «Пермские моторы» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган, такомиллаштирилган двигателлар ўрнатилган бўлиб, улар энг сўнгги авиация ускуналари ва замонавий аппаратура билан жиҳозланган.

Амалга оширилган модернизация ишлари шовқин ва эмиссия бўйича ИКАО талабларига жавоб беради. Бу эса самолётнинг юк кўтариш ва парвозлар масофасини ошириш имкониятларини кенгайтиради. Яқин кунларда Ульянов шаҳридаги «Волга-Днепр» авиакомпанияси яна битта шундай самолётимизни харид қилади. Ушбу замонавий ҳаво кемасига Озарбойжоннинг «Ипак йўли» авиакомпанияси ҳам қизиқиш билдирди ва ўз буюртмаси бажарилишини кутмоқда.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси дунёнинг бешта йирик самолётсозлик мажмуи сафидан жой олган. Авиабирлашма буюртмалар портфелининг мунтазам равишда тўлиб бораётгани ҳам буни кўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йили Ҳиндистон ҳарбий-ҳаво кучларининг буюртмасига кўра, янги модернизация қилинган Ил-78МКИ ёқилғи қуйиш самолётларини етказиб бериш бўйича шартнома муваффақиятли бажарилди. Бу лайнерлар Тошкентда аввал ишлаб чиқарилган Ил-78 самолётларидан кўп юк кўтариши — 190 тонна ўрнига 210 тонна, қаноти ва шассисининг кучайтирилгани, ҳавода ёқилғи қуйишнинг янги ускуналари ўрнатилгани билан ажралиб туради.

Ил-78МКИ самолётларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун олти мамлакат мутахассислари самарали меҳнат қилди. Бу самолёт модернизация туфайли реципиент-самолётларга қўшимча 30 тоннагача ёқилғи қуйиш ва бирзумда транспорт десант самолётига айланиш имконига эга. Буюртмачига бир нечта ана шундай самолёт жўнатилди.

"В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти ишлаб чиқараётган маҳсулоти сифатининг юқорилигини таъминлашга устувор эътибор қаратаётгани боис нафақат МДҲ, балки бошқа хорижий давлатларда ҳам ўз нуфузини мустаҳкамлади. Фаолият кўлами кенгайтирилиши, янги шериклар ва уларнинг буюртмалари ишлаб чиқариш барқарорлигини таъминлаб, қўшимча иш ўринларини ташкил этиш ҳамда корхона даромадини кўпайтириш имконини бермоқда.

Бош қароргоҳи Германиянинг Эссен шаҳрида жойлашган TUV CERT халқаро сертификатлаш органи томонидан аудит ўтказилганидан сўнг, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамиятининг сифат тизими маъқулланди ва унинг ISO 9001:2000/EN ISO 9001:2000 халқаро сифат стандартларига жавоб бериши тасдиқланди.

Вадим Кучеров бирлашма' фаолияти ҳақида гапирар экан, жамоа меҳнатининг бу даражада юқори баҳоланиши Президент Ислом Каримовнинг мамлакат авиация саноатини ривожлантириш, сўнгги йилларда муайян ютуқларга эришган самолётсозларнинг иши ва эҳтиёжларига доимо эътибор бераётгани ҳамда ғамхўрлиги натижаси эканини алоҳида таъкидлади. Авиация соҳасининг босқичма-босқич модернизация қилинаётгани ўзбекистонлик авиасозларга замон билан ҳамқадам бўлиш ва халқаро бозорда ўз салоҳиятини янада яққолроқ намоён этиш имконини бермоқда. Бугун корхона жамоаси эришаётган марралар ҳам шундан далолат бериб турибди.

**В.НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

## «Save the Children» эртанги кун ғамхўрлиги ҳақида



Буюк Британияда жойлашган «Save the Children» («Болаларни асраш») халқаро инсонпарварлик ташкилоти «Жаҳонда оналик ва болаликнинг ҳолати тўғрисида»ги йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унда Ўзбекистонда бу соҳадаги ҳолатга юқори баҳо берилган.

Тақдим этилган маърузага мувофиқ, дунёнинг 125 давлати орасида аёллар учун қулай шарт-шароитларнинг яратилиши даражаси бўйича мамлакатимиз 19-ўринни, оналикни ҳимоя этиш бўйича эса 27-ўринни эгаллайди. Бу Марказий Осиёдаги энг яхши кўрсаткич, МДҲ ва Осиё ҳудудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Таққослаганда шуни кўриш мумкинки, «Save the Children» рейтинги бўйича Россия мазкур рўйхатнинг биринчи банди бўйича 29, иккинчи банди бўйича эса мамлакатимиз каби 27-ўринни эгаллайди, Қозоғистон — 29 ва 32, Хитой — 29 ва 39, Руминия — 39 ва 39, Туркманистон — 22 ва 44, Қирғизистон — 63 ва 52, Тожикистон — 45 ва 69, Туркия — 79 ва 74-ўринларни банд этган.

**«Жаҳон» АА.**

***14 май куни Бельгиянинг Гент шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича Жаҳон кубоги доирасидаги мусобақалар якунига етди. Унда ўзбекистонлик Оксана Чусовитина таяниб сакраш бўйича олтин медални қўлга киритди.***

## Гентда Ўзбекистон мадҳияси янгради

Юртдошимиз мусобақанинг уч тури бўйича финал босқичига чиқа олган ягона гимнастикачи бўлди. Таяниб сакрашдаги олтиндан ташқари, Оксана брусда бажарилган машқларда тўртинчи ҳамда бревнодаги мусобақаларда бешинчи ўринни эгаллади. Мусобақаларда дунёнинг 33 мамлакатидан 110 нафар гимнастикачи иштирок этди.

Халқаро спорт гимнастикаси федерацияси вакили Зигфрид Функ О.Чусовитинанинг Гентдаги чиқишини «катта муваффақият», дея таърифлаб, мутахассислар Ўзбекистон терма жамоаси етакчисининг 2008 йил Пекинда бўлиб ўтажак Олимпиада ўйинларидаги иштирокини катта қизиқиш билан кутаётганини айтди.

**«Жаҳон» АА.**

